

ФАРГОНА ВОДИЙСИДА ТАДБИРКОРЛИК ВА БАНК ИШЛАРИ ТАРИХИГА ДОИР

Эгамназаров Азамжон Имомназарович

Фарғона жамоатчилик саломатлиги тиббиёт институти “Ижтимоий фанлар” кафедраси
катта ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7064063>

Аннотация. Уибу мақолада тарихий ва илмий манбааларга асосланиб, XIXаср охири XX аср бошларида Ўзбекистонда, хусусан Фарғона водийсида тадбиркорлик фаолиятининг эволюциясида хорижсий шибилармон ва тадбиркорларнинг фаолиятлари ўрганиб чиқилган.

Калим сўзлар: Иқтисодиёт, тадбиркорлик, фонд биржаси, банк, хорижсий капитал, инновация, акция, акционерлик жамияти, ширкат, синдикат.

ОБ ИСТОРИИ ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА И БАНКОВСКОГО ДЕЛА В ФЕРГАНСКОЙ ДОЛИНЕ

Аннотация. В данной статье на основе исторических и научных источников изучена деятельность иностранных бизнесменов и предпринимателей в эволюции предпринимательской деятельности в Узбекистане, особенно в Ферганской долине, в конце 19-начале 20 века.

Ключевые слова: экономика, предпринимательство, фондовая биржа, банк, иностранный капитал, инновации, иностранные инвестиции, акционерное общество, компания, синдикат.

ABOUT THE HISTORY OF ENTREPRENEURSHIP AND BANKING IN THE FERGANA VALLEY

Abstract. Based on historical and scientific sources, this article examines the activities of foreign businessmen and entrepreneurs in the evolution of entrepreneurial activity in Uzbekistan, especially in the Ferghana Valley, in the late 19th-early 20th century.

Keywords: economy, entrepreneurship, stock exchange, bank, foreign capital, innovation, foreign investment, joint-stock company, company, syndicate.

КИРИШ

Мамлакатимизнинг иқтисодий ривожланишида тадбиркорлик ва банкларнинг фаолиятларида бозор муносабатларининг янада ривожланиши жараёнлари аҳамиятини чуқурроқ англаб борар эканмиз, бундан келиб чиқиб, бу масаланинг XIX асрнинг охири - XX аср бошларида ўлкамизда қандай йўлга қўйилганлигини билишга бўлган эҳтиёжни беихтиёр ҳис қиласиз. Шу мақсадда ушбу мақоламизда Ўрта Осиё, хусусан Фарғона водийсида тадбиркорликнинг келиб чиқиши, ривожланиши ва ўлка ижтимоий-иқтисодий ҳаётига таъсири каби масалаларни ёритишга ҳаракат қилдик.

ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Мавзу оид адабиётларнинг ўрганилганлик даражаси. Мавзу бўйича тадқиқотчилардан Аминов А.М. Экономическое развитие Средней Азии (Колониальный период). Т., 1959., Аминов А., Бобоходжаев А. Экономические и политические последствия присоединения Средней Азии к России. Т.:«Узбекистан», 1966., Вексельман М.И. Российский монополистический и иностранный капитал в Средней Азии (конец XIX - начало XX века). Т.:«Фан», 1987 ва бошқаларнинг илмий ишларида рус молия

капиталининг йирик Европа мамлакатлари молия капитали билан ўзаро алоқадорлиги кўрсатиб ўтишган: Россиядаги банкларнинг кўпчилиги француз молиясига; “Рус ташқи савдо банки” ва “Сибирь савдо банки” немис капиталига; “Рус савдо ишлаб чиқариш банки” эса инглиз молия капиталига қарамлилари кўрсатилган.[1].

Тадқиқотчи А.Хажимуратовнинг тадбиркорлик, унинг Ўзбекистонда келиб чиқиши ва ривожланишига доир олиб борган ишлари ҳам диққатга сазовордир[2]. Шунингдек, алоҳида айтиб ўтиш лозимки, чет эл капиталининг Туркистонга, хусусан, Фарғона водийсига кириб келиши ҳақида архив ҳужжатлари, аниқ маълумотлар, рақамлар ва қатор муаллифларнинг фикрларига ҳам таяндик.

Тадқиқот мақсади. Тадбиркорлик ва банк иши масалаларининг XIX асрнинг охири - XX аср бошларида ўлкамизда қандай йўлга қўйилганлиги, Ўрта Осиё, хусусан Фарғона водийсида тадбиркорликнинг келиб чиқиши, ривожланиши ва ўлка ижтимоий-иктисодий ҳаётига таъсири каби масалаларни ёритиш ҳисобланади.

Тадқиқот методологияси. Мақолада биз тадбиркорлик ва банк муносабатларини тарихий, иқтисодий, мантиқий тамойиллари, детерминистик ёндошув ва дискурс таҳлил усулида кўриб чиқдик.

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

Тадбиркорликнинг ривожланиши 1906 йилда Фарғона водийсига темир йўлнинг кириб келишини тақозо этди. Фарғонанинг Ўрта Осиё темир йўли билан боғлаши фақатгина кўпроқ маҳсулот ташиб кетишнигина эмас, балки олиб келиш имкониятларини ҳам кўпайтирди. Албатта, бу жараён катта маблағ эвазига амалга оширилар эди. Шунинг учун ҳам молия муассасалари, банкларсиз бу ишларни бажариб бўлмас эди. Бу ўринда дастлабки Туркистон генерал – губернатори Фон К.П. Кауфманнинг рус – осиё савдо саноатини, кейинроқ эса рус ва чет молия капиталининг ўлкамизга кириб келишига қулай имкониятлар яратиб берганлигига эътиборни қаратамиз.

Ўша даврда қишлоқ хўжалиги, хусусан, пахтачилик, ипакчилик, қоракўл, қуруқ ва ҳўл меваларни экспорт қилиш, нефть, газ, тошкўмир ва бошқа ҳалқ хўжалигига зарур маҳсулотларни ишлаб чиқариш, сотиш ва экспорт қилиш фақат банк муассасалар орқали амалга оширилар эди. Кўқон бутун Туркистонда банклар сони жиҳатидан биринчи ўринда турар эди. Кўп банклар русча номланишига қарамасдан, Ўрта Осиёда пахта хўжалигини ўз қўлига олган чет эл капиталига қарам эди. 1915 йилда 47 та давлат банкларидан ташқари 15 та коммерция банки ҳам фаолият кўрсатган. Рус – Осиё банкининг 79 % капитали, Рус ташқи савдо банки-немис капитали билан боғлиқ қўшма банкининг 40 % дан ортиқ капитали, инглиз капитали билан боғлиқ барча банк операцияларини амалга оширувчи Москва савдо банки, француз капитали билан боғлиқ Москва ҳисоб банки, Франко-герман капитали билан боғлиқ Азов – Дон коммерсия банкининг 36,6 %, француз капитали билан боғланган Волжск – Камск банки, Франко-герман капитали билан боғлиқ бўлган Сибирь савдо банклари шулар жумласидандир.

Ўз фаолиятини германиялик “Ака-Ука Шлосберг”, “Кноп”, ака-ука Степпун фирмалари ва Москва ҳисоб банки, Рус-Хитой банки, Рус-Осиё (бу банк ҳам Германия сармояси эвазига фаолият юритган) банклари билан ҳамкорликда олиб борган катта мулкдорлардан бири Миркомил Мирмўминовнинг сармояси ҳам (XIX асрнинг охири -XX аср бошларидаёқ 15 миллиондан ошган эди) чет эл банкларига қўйилган эди [3].

Қўқонлик Миркомил Мирмўминов фақатгина катта маблағ, ер мулк эгаси бўлибгина қолмай, балки ўз замонасининг асл фарзанди ҳам бўлган. Бинобарин, у ўша даврнинг халқ ҳимоячиси, ватанпарвари, жуда ҳам саҳоватли кишиси бўлиб танилиб, миллатнинг келажагини ўйлаган ва маҳаллий ёшларнинг билимдон мутахассислар бўлиб етишишини хоҳлаган. Шундан келиб чиқиб, у иқтидорли ёшларни Германия ва Туркия мамлакатларида таълим олиши учун ҳомийлик қилган.

Бундан ташқари, Қўқонда ер участкалари савдо-сотифи билан шуғулланувчи маҳсус 3 та банк: Заём-кредит банки, Нижегород-Самара ер банки, Полтава ер банки ва бошқа қатор майда кредит ширкатлари хизмат кўрсатган[4].

Банклар шаҳарнинг энг яхши жойларида ва марказий қўча биноларида жойлашган бўлиб, улар учун архитектор М.Д.Мауэр лойиҳаси асосида дастлаб давлат банки, кейинроқ Рус-Осиё банки қурилди.

Туркистон ўлкасида, хусусан, Фарғона водийсига чет эл капиталининг кириб келиши билан боғлиқ баъзи мунозарали масалаларга аниқлик киритишни жоиз деб билдик.

Чоризмнинг расмий маъмурлари қонун доирасида чет эл капиталининг Россия ва Ўрта Осиёга кириб келишига қаршилик кўрсатганлар. Шунга қарамасдан, чет эллик тадбиркорлар турли йўллар билан амалдаги Россия қонунларини четлаб ўтиб, Россия марказий банкларига ўз сармояларини қўйиш масаласида рус фирмалари, ишлаб чиқариш корхоналари ҳамда рус тадбиркорлари билан бирлашганлар. Император атрофидаги давлат расмий чиновникларига пора бериш орқали руҳсат олишга эришилган. Чет эл капиталисиз Россияда саноатни ривожлантириш мумкин эмас, деб ҳисоблайдиган чет эл иқтисодчилари, йирик ишбилармонлар ва Россиянинг барча вазирлари (Брант, Витте, Озеров ва бошқ.) Россияга ва ўлкага чет эл молия капиталининг тўхтовсиз оқиб келишини маъқуллаганлар, “Саноат ва савдо” бўлими орқали “Шундай қилиш керакки, чет эл капитали саноатимизнинг барча соҳа ва тизимларига тўхтовсиз ва қўплаб оқиб келсин”, дея барча чора-тадбирларни қўллаганлар. Масалан, 1900 йил февралида молия вазири С.Ю.Витте маълумотига кўра, фақатгина саноат акционерлик жамияти ва савдо фирмаларига 1 миллиард рубль чет эл капитали қўйилган бўлиб, жами 5.5 миллиард рубль пул келиб тушган[5]. Россия хукуматининг маблағ ажратса олмаслиги туфайли чет эл капиталисиз Туркистонда, хусусан, Фарғона водийсида ҳам ишлаб чиқариш саноатини ривожлантириш мумкин эмас эди.

Банклар ўртасида Фарғона водийсида ўз мавқеларини мустаҳкамлаш, кўпроқ фойда олиш мақсадида кескин рақобат бўлган. Улар ўз капиталларини ишлаб чиқаришнинг асосий соҳаларига киритганлар. Масалан, Рус Осиё банки ўз капиталининг асосий қисмини пахта ва пахта ёғи ишлаб чиқаришга сарфлаган бўлиб, аста-секин бу соҳани тўла эгаллашга ҳаракат қилди. Шу мақсадда 1911 йил августида иккита йирик ёғ ишлаб чиқариш заводига эга бўлган Андреев ширкатини сотиб олиб, уни водийда ёғ ишлаб чиқариш, чигит уруғи ва башқа маҳсулотлар савдоси билан шуғулланадиган концернга айлантирди. Ёғ саноатида ўз устунлигини мустаҳкамлаш учун ўша йили ноябрь ойида чигитни сотиб олиш бўйича синдикат (йирик монополистик бирлашма) ташкил этилди. Бу синдикатга учта йирик ёғ ишлаб чиқариш фирмалари: “К.М.Соловёв и К” ширкат уюшмаси, Наманган ёғ ва пахта ишлаб чиқариш савдо саноат уюшмаси ва

Андреев уюшмаси бирлаштирилди. Банкнинг синдикатдаги иштироки Андреев уюшмаси орқали банкнинг Наманганд бўлимида амалга ошириларди [6].

Шунингдек, ёғ сотиш бўйича ҳам икки банк ўртасида, Рус - Осиё банки ва чет эл билан савдо қилиш Рус банки ўртасида синдикат тузилиши бошқа кичик фирма ва банкларни ташвишга солди. Улар ҳам ўз навбатида химояланиш мақсадида синдикатга қарши контрсиндикат тузишга киришишди. Бу синдикатга 1913 йил апрель ойида катта пахта тозалаш ва ёғ ишлаб чиқариш заводларининг хўжайини М.Г.Флаксман ҳам кўшилди.

1912 йилнинг охирларида ҳамкор банклар “Сололин” Вольжск акционерлик жамияти пайларини, 1913 йил июнь ойида Андреев уюшмасининг 1800 та пайини ҳамда Кўқондаги Вадъяевнинг ёғ заводини 2 миллион рублга сотиб олиш орқали Фарғона вилоятидаги ёғ ишлаб чиқариш саноатининг катта қисмини эгаллаб олди. Синдикат бошқаруви жамият асосий капиталини 3,5 миллиондан 7 миллионга ошириш мақсадида кўшимча 35 минг акция ишлаб чиқариш зарурлиги масаласини кўриб чиқди. 1915 йилда Рус - Осиё банки “Салолин” жамияти акцияларини катта фойда билан рус фирмаларига, немис фирмаларига эса 2423 та акция ўтказди.

“Туркистонда капиталистик ишлаб чиқариш муносабатлари йирик банк магнатларининг молиявий ёрдамисиз ривожланмайди,- деб таъкидлайди В.Суворов. Ана шулар капитализми молиявий қўллаб-куватлайдилар. Буларни янги қурилган ва очилган банклар, омонат кассалар, қурилиш компаниялари, транспорт идоралари ва агентликлари мисолида кўришимиз мумкин”[7].

Ўлкамиздаги омонат кассаларининг ривожланишини куйидаги маълумотлардан билиб олиш мумкин: 1881 йилда ўлкамизда олтида омонат касса очилган бўлиб, 1200 та омонатчилардан иборат 8 минг рубль омонат қўйилган, 1910 йилда эса 117 та омонат кассалари фаолият кўрсатган бўлиб, 74 минг омонатчилар 13,3 млн. рубль пулларини омонат кассаларида сақлашган.

Шунингдек, темир йўл қурилиши, нефть ва кўмир ишлаб чиқарувчи Челикан ва Чимён конлари ҳам рус ва чет эл банклари учун катта фойда келтираси эди [8].

Туркистонда пахта савдо-сотиқ ва пахта тозалаш саноати Лев Герасимович Кноп фаолияти билан боғлиқ. У 1841 йилда Москвага келиб, рус фуқаролигини қабул қилган ва 1852 йилдан “Л. Кноп” савдо уйига асос солган. Аввал бошида савдо уйи пахта ва шакар савдоси, қофоз, машина ва механизmlар билан шуғулланган. Кейинчалик фирма банк ишлари ва саноат билан ҳам шуғуллана бошлади. Банк фаолиятини йўлга қўйгач Л.Кноп Германияга қайтиб кетган. Унинг ишларини ўғиллари баронлар А.Л.Кноп, Ф.Л.Кноплар давом эттирганлар. Улардан ташқари фирмада Р.И.Прове, Р.Р.Ферстер, кейинроқ эса энг кичик барон Ф.А.Кноп ҳам фаолият кўрсатган.

XIX асрнинг 90 йилларида Фарғона водийсида ерга эгалик қилиш ва кўчмас мулклар сотиб олиб пахта иши билан кенг ҳажмда шуғуллана бошлади. Фирма пахта сотиб олиш билан чекланиб қолмасдан пахта етиштирувчи ва савдо фирмалари билан бевосита алоқа ўрнатди. Кўқон уездидаги 2 та пахта тозалаш заводини сотиб олди. Уларнинг ишлаб чиқариш қуввати бир йилда 355 минг пуд пахта толасини ташкил қиласи эди. 1902 йилда фирма бир қанча банкларнинг акцияларини сотиб олиш билан уларнинг бошқарув аъзолари ва ҳатто Ф.Л.Кноп – Рус-Хитой банки Кенгаши раиси, А.Л.Кноп – Москва ҳисоб банки раиси ҳам бўлди[9]. Банкларнинг қўллаб-куватлаши билан “Л.Кноп”

фирмаси Марказий Осиёда бир неча савдо – саноат акционерлик ширкатларини тузишга киришди. 1905 йилда “Андреев савдо-саноат” ширкати ташкил қилинди. Унинг асосий маблағи 750 минг рублни ташкил этарди. Ширкатнинг 1906 йилдаги асосий маблағи 2 млн рублга етиб, таркибида пахта тозалаш, ёғ заводи, ёғ тозаловчи, совун ишлаб чиқарувчи заводлар бўлган, уларнинг ишлаб чиқариш ҳажми йиллик 3 млн рублни ташкил этарди.

1913 йил февралда бўлиб ўтган Москвадаги I пайчилар ширкатининг йиғилишида “Л.Кноп” фирмаси ва унинг аъзолари баронлар А.Л.Кноп, Ф.Л.Кноп, А.Ф.Кноп ва Р.Р.Ферстерлар, жами 8000 пайдан 6200 тасини - 1 млн 550 минг рубллик пайни савдога кўйдилар. Ширкатдаги 4 директордан иккитаси (А.Ф.Кноп, А.Г.Штейнер) фирма вакиллари эди. Ширкат ўзида 7 та пахта тозалаш, ёғ-совун ишлаб чиқариш заводларига эга бўлиб, бу корхоналар водийнинг Кўкон, Андижон, Скобелов, Наманган, Хўжанд, Марғилон шаҳарларида жойлашган эди.

1916 йил март ойида “Л.Кноп» фирмасининг барча фирма-корхоналари бирлаштирилиб, “Волокно» савдо-саноат ширкатига айлантирилди. Шундан кейин ҳам баронлар Ф.Л.Кноп, А.Л.Кноп, А.Ф.Кноплар бошқарув директорлари бўлиб қолдилар. Янги ширкат ташкил этилган даврда унинг мол-мулки 19,6 млн рубль эди.

Ўлкамизга кириб келган монополистик капиталнинг 90% и пахта савдосини қамраб олиб, пахта ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган Ўрта Осиё банк ва фирмаларини ўз назоратига олди. Рус ташқи савдо банки 1917 йилда Потеляхов савдо ишлаб чиқариш ширкати билан пахта савдо учун 6 млн. рубл кредит олиш учун шартнома имзолади. Ширкат олинган пахтанинг ярмини банкка сотиш ҳамда кредит учун $\frac{3}{4}$ %, вексел учун 6,5 % тўловларни амалга ошириш мажбуриятини олди. 1917 йилнинг май ойида банк ширкатга кредит бериш миқдорини оширди. Фарғона ҳарбий губернаторининг маълумотига кўра 1914 йилнинг ёзида “Мейеркорт” ширкати пахта савдоси бўйича банк назоратига олинган эди.

Волга-Камск банкининг Кўкон филиали 1914 йилда Р.В.Мейеркорт учун 200 минг рублга, Ярославль Катта манифактурасига 4 млн рублга, “Ака-ука Крафт” савдо уйига 5 млн рублга кредит очган эди. Банклар ўз манфаатларидан келиб чиқиб, кредит фоизлари билан чекланиб қолмасдан, аксарият ҳолларда пахта операцияси билан ҳам шуғулланишган. 1916 йилда банк 5 та йирик фирмаларга: «Ака-ука Крафт», Андреев, Вадъяев, Потеляхов савдо уйлари ва Ярославль Катта манифактураси ширкатларига пахта савдоси учун 65,48 млн. рубл кредит ажратган. 1917 йилнинг августида уларнинг банкдан қарзи 15,139 млн. рублни ташкил этган эди. Банкларнинг пахта савдоси бўйича саноат капитали билан қўшилиши натижасида Туркистонга молия капитали шаклланди [10].

Шунингдек, ахолининг банкдан қарздорлиги ҳам 1912 йил ноябрь ойида давлат банкларига 27 млн. 500 минг рубль, хусусий банкларга 129 млн. 200 минг рубль бўлиб, Фарғона водийси бўйича 80 млн. 300 минг рубль ёки бутун қарздорликнинг 51 % ини ташкил этган [11].

МУҲОКАМА

Шундай қилиб, биз XIX асрнинг охири - XX аср бошларида бутун Туркистон, хусусан Фарғона водийсига Farb капиталини - хусусий сармоя, кўчмас мулк, завод ва фабрика, савдо бирлашмаларининг акцияси сифатида ва бошқа шаклларда кириб келишини кўриб ўтдик. Юқоридаги маълумотларга асосланиб айтишимиз мумкинки, биз кўриб чиқкан кўплаб муаллифларнинг илмий тадқиқотлари – монографиялар. Мақолалар

ва бошқалар, сабиқ иттифоқ даврида чоп этилган бўлиб, баъзи масалаларга шу давр сиёсати нуқтаи назаридан ёндашганлар. Баъзилари масалага объектив ёндашган, аксарият олимлар эса, прогрессив аҳамиятини, ҳар қандай босқинчилик дастлабки даврда қирғин, баҳтсизлик келтирса-да, маълум даврдан кейин ижобий таъсири этиши мумкинлигини айтиб ўтишган. Бошқаларида эса, вақт нуқтаи назаридан, ўша даврни фақат ёмонлаш, рус капитализми ўлкага фақат қулфат ва ёмонликлар келтиргандигини таъкидлаганлар.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, муаллифлар томонидан айтилган фикрлар маълум соҳалар учун тўғри бўлган. Аниқроғи, Туркистонга чет эл капитали очиқасига эмас, балки рус банкларининг ўлкамиздаги бўлимлари, чет эл фирмалари ва бирлашмалари орқали кириб келганлиги тадқиқот жараёнларида маълум бўлди. Демак, чор маъмурлари, бир томондан, чет эл капитали олиб келинишини хоҳламаса-да, ўлгадаги жуда катта табиий ресурслардан чет эл сармоясисиз фойдаланиб бўлмаслигини яхши тушунгандигини туфайли чет эл, хусусан, Фарбий Европа капиталининг Туркистонга кириб келишига монелик қилмаганлар.

Хозирги даврда иқтисодий ислохотларнинг чуқурлашиб боришида, Банк ва унга оид муассасалар, ишбилармөнлик, тадбиркорлик фаолиятларининг тарихи масалалари бозор муносабатларининг ривожланиб боришида ўз аҳамиятини сақлаб қолмоқда. Шунингдек, ўрганилган XIX асрнинг охири - XX аср бошларида рус ва чет эл тадбиркорлари томонидан қандай амалга оширилганлиги масаласига ҳолисона баҳо берилиши, мамлакатимизга бугунги кунда чет эл инвестициясини жалб этилишида катта аҳамиятга эга бўлса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

REFERENCES

1. Аминов А.М. Экономическое развитие Средней Азии (Колониальный период). Т., 1959., Аминов А., Бобоходжаев А. Экономические и политические последствия присоединения Средней Азии к России. Т., «Узбекистан», 1966., Вексельман М.И. Российский монополистический и иностранный капитал в Средней Азии (конец XIX - начало XX века). Т., «Фан», 1987
2. Khadzhimuratov Abdukakhhon Abdumatalovich. FORMATION AND ORIGINS OF THE DEVELOPMENT OF ENTREPRENEURIAL ACTIVITI IN UZBEKISTAN. EPRA-International Journal of Research & Development(IJRD). Volume: 6 | Issue: 7| July2021/ p.122-130.|| Journal DOI: 10.36713/epra2016 || SJIF Impact Factor 2021: 8.013|| ISI I.F.Value: 1.241 ; Хаджимуратов А.А. ИСТОРИЧЕСКИЙ АСПЕКТИ ВОЗНИКОВЕНИЯ И РАЗВИТИЯ АЗИАТСКОГО ТИПА ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА. БЮЛЛЕТЕНЬ НАУКИ и ПРАКТИКИ/Россия. 2021.Т.7.№8 С. 385-394. <https://doi.org/10.33619/2414-2948/69>
3. Круковская С.М. Встречи с Кокандом. – Т.: Узбекистан, 1977. – С. 67-68.
4. Круковская С.М. Встречи с Кокандом. – Т.: Узбекистан, 1977. – С. 67-68.
5. Вексельман. М.И. Российский монополистический и иностранный капитал в Средний Азии.-Т.: Фан. – С. 26.
6. Вексельман М.И. Российский монополистический и иностранный капитал в Средний Азии. - Т.: Фан. – С 63.
7. Суворов В. Историко-экономический очерк развития Туркестана. - Т., 1962. – С. 100.

8. Аминов А., Бобоходжаев А. Экономические и политические последствия присоединения Средней Азии к России. Т., «Узбекистан», 1966.– С. 87.
9. Вексельман М.И. Российский монополистический и иностранный капитал в Средний Азии.–Т.:Фан. – С. 35.
10. Вексельман М.И. Российский монополистический и иностранный капитал в Средний Азии.–Т.:Фан. – С. 37,57-58
11. Аминов А., Бобоходжаев А. Экономические и политические последствия присоединения Средней Азии к России. Т., «Узбекистан», 1966.– С. 159.